

ДЎСМАТОВ Санжар Тошпўлатович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти Ал-Азҳар
кафедраси ўқитувчиси,
s.dusmatov@bk.ru

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ ВА УНИНГ МАҚОМАЛАРИ ХУСУСИДА

О МАХМУДЕ ЗАМАХШАРИ И ЕГО МАКАМАХ

ABOUT MAHMOUD ZAMAKHSHARI AND HIS MAQAMS

Аннотация: Маълумки, ўрта асрларда илм-фан бешикларидан бири бўлган Мовароуннаҳр заминидан дунё тамаддунига ҳисса қўшган буюк алломалар етишиб чиққан. Улардан бири Маҳмуд Замахшарий.

Мақолада алломанинг мақомалари таҳлил этилиб, уларнинг хусусиятлари ўрганилган. Мақомаларнинг таркибий таҳлили амалга оширилган. Мазкур мақола араб адабиётида мақома жанри, унинг тарихий тараққиёти, мақомаларни ўрганаётган тадқиқотчилар учун қизиқарли маълумотлар беради.

Калит сўзлар: Маҳмуд Замахшарий, мақома, жанр, наср, ҳикоя, саж.

Аннотация: Известно, что в Средние века земля Мавараннахра была одной из колыбелей науки. Из неё выросли великие ученые, внесшие большой вклад в развитие мировой цивилизации. Один из таких ученых Махмуд Замахшари.

В статье анализируется его макамы и их особенности. В данной статье представлена интересная информация для исследователей, изучающих жанр макама в арабской литературе, его историческое развитие.

Ключевые слова: Махмуд Замахшари, макама, жанр, проза, рассказ, саж.

Annotation: It is known that in the Middle Ages the land of Transoxiana was one of the cradles of science. Great scientists who have made a great contribution to the development of world civilization have grown out of it. One of such scientists is Makhmoud Zamakhshari.

The article analyzes his maqamas and their features. This article provides interesting information

for researchers studying the genre of maqams in Arabic literature, its historical development.

Keywords: Makhmoud Zamakhshari, maqama, genre, prose, story, saj.

КИРИШ

Қадимий Мовароуннаҳр диёри илм-фан ривожига катта ҳисса қўшган олимларга тўла. Биз ҳозирда босиб турган қадамимиз остидан бир пайтлар не-не олиму уламолар етишиб чиққан. Ҳар бир мамлакатнинг обрўйи, унинг мавқеи ўша юртнинг олимларини жаҳон тамаддуни ривожига қўшган ҳиссалари билан ўлчанади. Хусусан, Хоразм воҳасидан азалдан жаҳон фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган кўплаб алломалар етишиб чиққан. Айниқса, ўрта асрларда бу диёрда илм-фаннинг турли соҳалари бўйича самарали ижод қилган Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Ибн Мискавайҳ, Абу Наср Ироқ, Абу Саҳл Масихий, Абу-л-Хайр ибн ал-Ҳаммор кабиларнинг донги бутун мағрибу машрикка тарқалган. Хоразм заминидан таваллуд топган буюк алломалардан яна бири – Абу-л-Қосим Маҳмуд Замахшарийдир.

Абу-л-Қосим Маҳмуд Замахшарий XI асрнинг охири ва XII асрнинг бошларида яшаб ижод қилган буюк тилшунос бўлибгина қолмай, балки фаннинг бошқа соҳаларини ҳам чуқур эгаллаган энциклопедист олим эди. Бунга унинг “Жоруллоҳ”, “Раис-ул-афозил”, “Фахру Хаворазм”, “Устоз ал-араб ва-л-ажам” номларини олиши ҳам далолат беради.

Маҳмуд Замахшарийни унинг замондоши бўлган олим Самъоний (1113-1167) қуйидагича баҳолайди: “У араб илмлари борасида олий бир намуна эди” [1, 277]. Ёкут Ҳамавий эса у ҳақда шундай ёзади: “У грамматика, лексикография ва фаннинг бошқа соҳаларини ҳам эгаллаган буюк олим эди” [2, 147]. Ал-Қифтийнинг айтишича: “У ўз даврининг араб бўлмаган олимлари ичида араб филологиясини энг яхши билган, араб китоблари ҳақида энг кўп маълумотга эга бўлган инсон эди. Маҳмуд Замахшарий ажамлардан чиққан буюк олимлар сулоласини якунлайди” [3, 269]. Академик И.Ю.Крачковский шундай ёзади: “... бу машҳур олим ва адиб, муътазиллий оқимининг ашаддий ҳомийси, грамматик, лексикограф ва “олий” услубда ёзилган бир қанча бадий асарлар муаллифи сифатида машҳурдир” [4, 313]. Академик В. В. Бартольд: “Хоразмдан етишиб чиққан ва XII асрда у ерда

иждо қилган олимлар ичида биз Замахшарий ва Шахристоний каби дунё микёсидаги олимларни кўришимиз мумкин” [5,120].

Маҳмуд Замахшарий илмий ва иждодий меросини тадқиқ қилган олимлар унинг ёзган асарлари сони ҳақида турлича маълумотларни берадилар. Масалан: ироқ олими доктор Фозил Солиҳ Самарийнинг ёзишича, Маҳмуд Замахшарий эллиқдан ортиқ асарлар яратган [5,24]. Немис шарқшуноси Карль Броккельман дунёнинг турли кўлёзма хазиналарида сақланадиган Маҳмуд Замахшарийнинг 31 та асарини ўзининг “Араб адабиёти тарихи” номли асарида келтиради [6]. Шамсуддин Сомий эса ўзининг “Қомус ал-Аълом” асарида Замахшарийнинг 15 та асарини зикр қилиб ўтган ва унинг асосий асари деб “ал-Кашшоф”ни кўрсатган [7,2421]. Академик А.Рустамов ҳам Маҳмуд Замахшарийнинг 50 дан ортиқ асарлар ёзганлигини таъкидлаб, унинг турли кўлёзма хазиналарида сақланаётган 19 та асарининг номини зикр этиб, яна унинг 19 та асарини Замахшарийнинг топилмаган асарлари деб таъкидлайдилар [8]. М.Оқилов Замахшарийнинг “Атвоқ аз-заҳаб” асарига бағишланган илмий тадқиқотларида олимнинг асарлари сонини 80 дан ортиқ деб таъкидлаб [9], 1982 йил “Адабий мерос” журналида чоп этилган мақоласида Замахшарийнинг 29 та асари номини келтиради [10]. Яна бир шарқшунос олим У.Уватов эса Замахшарий 50 дан ортиқ асарлар ёзган деб, эътироф этиб, унинг 34 асарининг номини санаб ўтганлар [11].

Маҳмуд Замахшарий илмий меросига оид энг сўнгги тадқиқотлардан бири араб олими Муҳаммад Босил Уйун Суд томонидан амалга оширилган бўлиб, олим ўзининг тадқиқотида Замахшарийнинг 65 та асарининг номини зикр қилади ва уларнинг қарларда сақланишини ҳам кўрсатади [12].

АСОСИЙ ҚИСМ

Хоразмлик буюк аллома Маҳмуд Замахшарий жуда кўплаб асарлар ёзганлигини юқорида қайд қилиб ўтдик. Бахтимизга уларнинг аксар қисми бизгача етиб келган. Олим асарларининг турли даврларда кўчирилган кўлёзма нусхалари дунёнинг йирик шарқшунослик марказларида сақланмоқда. Олим асарларининг турли даврларда кўчирилган кўлёзма нусхалари дунёнинг

йирик шарқшунослик марказларида сақланади. Алломанинг кўп асарлари эса қайта-қайта нашр қилинган ва ҳозирги вақтда ҳам тадқиқотчилар томонидан янги-янги нашрлари чоп этилмоқда.

Абулқосим Маҳмуд Замахшарий буюк аллома, илм-фаннинг турли соҳаларини эгаллаган олим бўлиши билан бир қаторда қалами ўткир ва моҳир ёзувчи ҳамда шоир бўлган. Замахшарийнинг араб тили, адабиёти ва услуби соҳасидаги илмий билимлари унинг бадиий асарларида ўзининг амалий аксини намоён этган. Олимнинг “Навобиғ ал-калим”, “Атвоқ аз-заҳаб” асарлари ва бошқа китобларининг айрим қисмлари бадиий насрнинг юксак намуналари ҳисобланади. Ана шундай асарлардан бири “Мақомот аз-Замахшарий” асаридир.

Маҳмуд Замахшарий ўзининг “Мақомот аз-Замахшарий” асарини ҳижрий 512 йил ражаб ойининг боши (милодий 1118 йил октябрь охи ўрталари)да ёзиб тугатади. Бу асарнинг ёзилиш сабабларини олим асар муқаддимасида баён қилган. Юқорида таъкидлаганимиздек, Маҳмуд Замахшарий 512 йил жуда оғир дардга чалинади. Кунлардан бир кун у туш кўради ва тушида: “Эй Абулқосим! Ажал ҳақиқатдир ва орзу-умидлар эса алдамчидир!” [13,5] деган овозни эшитади.

Бизга маълумки, Маҳмуд Замахшарий жуда кўп ҳукмдорларга атаб қасидалар ёзган, лекин у ҳеч бир ҳукмдордан кўнгли тўлмаган ва улардан бўлган умидлари пучга чиқаверган. Бундан фақатгина Макка амири Ибн Ваҳҳос мустасно бўлиб, юқорида зикр қилганимиздек, улар ўртасида дўстона муносабатлар қарор топган эди. Хуллас, у шифо топгач, энди мансаб дея ҳукмдорлар оstonасига умуман бормасликка, уларга атаб шеър ва қасидалар битмасликка, мол-дунё тамаъидан воз кечиб, бутун умрини илм-фанга бағишлашга қарор қилади. Ҳатто султонларнинг исмларини ҳам девонидан ўчириб ташлашга аҳд қилади [13, 6].

Маҳмуд Замахшарийнинг “Мақомот аз-Замахшарий” асари Макка амири Абулҳасан Али ибн Ҳамзага туҳфа қилингандир. Маҳмуд Замахшарийнинг мақома жанрида қалам тебратишига сабаб бўлган асар унинг замондоши бўлган Ҳаририй мақомалари эди. Замахшарий Ҳаририй мақомаларидан илҳомланган бўлса ҳам, уларга кўр-кўрона эргашиб тақлид қилмади, балки мақомаларга янги йўналиш бериб, уларнинг илмий аҳамиятини кўтарди.

Ҳаририй ёки мақома жанрининг яратувчиси бўлган Бадиуззамон Ҳамадоний мақомаларида иккита асосий қаҳрамон мавжуд. Бадиуззамон Ҳамадоний мақомаларида улар Исо ибн Ҳишом ва Абулфатх Искандарий, Ҳаририй мақомаларининг қаҳрамонлари эса Ҳорис ибн Ҳаммом ва Абу Зайд Саружийдир. Ҳамадоний мақомаларида ҳам, Ҳаририй мақомаларида ҳам мақомалар сюжети мана шу қаҳрамонларга боғлиқдир. Аммо Замахшарий мақомаларининг қаҳрамони муаллифнинг ўзидир. Композицион тузилиши жиҳатидан Ҳамадоний ва Ҳаририй мақомалари бир хил, яъни ровий томонидан ривоят қилинади. Ҳамадоний мақомаларида “Ҳаддасана Иса ибн Ҳишом қола” деб бошланса, Ҳаририйда ровий Ҳорис ибн Ҳаммомдир. Замахшарий мақомаларида “Эй Абулқосим” деб, ўз-ўзига хитоб қилиш билан бошланади. Бу мақомаларнинг биргина ўхшаш жойи уларнинг сонидир.

Маҳмуд Замахшарийнинг “Мақомот аз-Замахшарий” асари 50 та мақомадан ташкил топган. Бу элликта мақома турли хил мавзуларни ўз ичига қамраб олган бўлиб, турли мажлисларда, ўтиришларда панд-насиҳат, ўғит тариқасида сўзлаш учун керак бўладиган ҳикматли сўзлар, шеърӣ парчалар, масаллар, ҳикоятлардан иборат.

Мана шу 50 мақоманинг 49-сининг исноди бир хил, яъни “Эй Абулқосим” деб ўзига хитоб билан бошланади. Фақатгина битта, у ҳам бўлса, “Мақомат ат-таслим” “жадидан” деган сўз билан бошланади. Унинг кириш қисми бўлмай, тўғридан-тўғри бошланган. Асарнинг 10 та мақомаси шеърӣ парча билан қўнланган. Улар қуйидагилар:

- “Мақомат аз-зуҳд” – 5 байт;
- “Мақомат ат-таслим” – 3 байт;
- “Мақомат ас-самт” – 3 байт;
- “Мақомат ал-мунзира” – 3 байт;
- “Мақомат ат-таййиб” – 4 байт;
- “Мақомат ал-узлат” – 4 байт;
- “Мақомат ижтиноб аз-зулмат” – 5 байт;
- “Мақомат ал-мувоқабат” – 6 байт;
- “Мақомат ан-наҳю ан ал-ҳаво” – 4 байт;
- “Мақомат ал-хумул” – 4 байт.

Ҳаммаси бўлиб асарда Замахшарийнинг қирқ бир байти келтирилган. Шеърлар ҳам турли мавзулардаги мақомаларнинг мазмунини ёритишига хизмат қилади.

Маҳмуд Замахшарийнинг “Мақомат аз-Замахшарий” асари юқорида айтилганидек,

дидактик асар ҳисобланади. Мисол тариқасида “Мақомат ал-марошид”ни оламиз. Бу мақомада Замахшарий: яхшилик ва ёмонликни бир-бирига таққослайди. Унинг фикрича, яхшилик қанча бўлса ҳам кам. Яхшилик инсонни ўзига жалб қилаверади. Лекин ёмонлик унга озгина тегиб кетса ҳам, инсонни ўздан итариб юборади. Агар инсон иззат-икром, обрў-эътиборга эришишни хоҳласа, фақат яхшилик қилиш керак, дейди. У орқали инсонларни огоҳ бўлишликка чақиради. Чунки унинг фикрича, фақат огоҳ кишигина ҳидоятга эришиши мумкин. Яна, шунингдек, инсон ўз нафсини жиловлаши ва динга ихлос қилиши керак. У залолатга кетган инсонларни худди заҳарли илонга ўхшатади. Уларнинг заҳаридан ҳеч нарса қутқара олмайди. Фақат инсонда Аллоҳга бўлган тақво бўлсагина, уларнинг заҳри таъсири ўз кучини йўқотади.

Нафсларига қул бўлган инсонлар ҳақида Маҳмуд Замахшарий фикр юритиб, шундай дейди: “Улар нафслари деб залолатга кетадилар. Аллоҳ ҳар бир инсоннинг ноласини эшитади ва уларга яна имконият беради. Лекин улар ўз нафсларига эргашган ҳолда тўғри йўлдан адашадилар” [13, 14]. У ўзига ўзи шундай дейди: “Сен ҳам ўзингни уларнинг ичига урмагин. Агар сен ҳам уларга аралашсанг, ҳолингга вой. Сен уларнинг ичидан чиқиб кетсанг, балким Аллоҳнинг фазли билан нажот топиб ўз ниятингга эришарсан” [13, 15].

Тақво мақомаси эса умрнинг қанчалик қисқалиги, у бизнинг қўлимизда эмаслиги, дунёнинг зебу зийнатларига берилиб, уни янада қисқартирмасликка чақиради. Бу дунёнинг зебу зийнатлари инсонни йўлдан адаштиришини айтиб, ўзига ўзи, агар сен фозил инсон бўлсанг, тўғри йўлни танлаб олгин ва шу йўл сени ҳидоятга олиб борсин, дейди. Унинг фикрича, дунё зебу зийнатларидан саклайдиган устун бу – тақво устунидир. Фақат унинг ортидагина дунёдан яшириниш мумкин.

Ризвон мақомасида ажал ҳақиқат, орзу ҳаваслар ўткинчи нарсалардир, дейди. Унинг фикрича, хайрли ишлар қолади, ёмон ишлар ўтиб кетади, шунинг учун инсон савоби кам, гуноҳи кўп ишларни қилишдан ўзини тийиши керак. Сен икки иш ўртасида турибсан, биринчиси бир соатлик лаззат, лекин ундан кейин афсус-надомат ва бахтсизлик бўлади. Иккинчиси эса бир соатлик машаққат, лекин ундан кейин абадий бахт-саодат, фаровонлик бўлади. Жаннатдан, Аллоҳнинг розилигидан қочиб, бахтсизлик сари шошилиб, Аллоҳнинг

газабини келтириб, дўзахга чопиб кетишига ҳеч қандай баҳона, сабаб бўлиши мумкин эмас. Нафсу-хаво, обрў-эътиборга бўлган муҳаббат сени шахватнинг асирига айлантриб қўяди ва сенга дунёни бир тип-тиниқ сувдек кўрсатади. Лекин мана шу тиниқ сув остида балчиқ лойқа бор. Сен кўрган гўзаллик, жимжимадорлик ортида, албатта, бало бўлади. Фақат инсон ақл-идрокигина уни шу балолардан сақлаб қолиши, бундай ишлардан қайтариши мумкин. Замахшарий инсон ақлига мана шундай юксак баҳо беради.

Пушаймонлик мақомасида эса “ёшликнинг қадрига етиб, уни ғанимат билиш керак. Қомати эгилиб, сочиға оқ оралагунча инсон ҳаракат қилиши керак. Инсонни куч-қувват тарк этган вақтда эссиз ёшлигим ўтиб кетди деб пушаймон бўлишлик ярамайди. Нега инсоннинг нафси шайтоннинг макру-ҳийлаларига тушишдан лаззатланади. Ундан кутулишни истамайди”, деб ёзади.

Тавҳид мақомасида “бу дунёдаги барча нарс-ҳодисалар орқасида ягона бир зот борлигига далил, ой ва юлдузларнинг ҳаракати ҳам, бир томчи нутфадан тўққиз ойдан сўнг инсон боласи вужудга келиши ҳам, бир дон дондан каттиқ тошларни ёриб чиқадиган улкан дов-дарахтлар ҳам Аллоҳнинг ягоналигига далил-исботдир”, дейди.

Асарнинг қолган мақомалари ҳам мана шу тарзда насихат, маслаҳат ва ўғитлар бериш билан давом этади. Фақат асар сўнггидаги мақомалар қолганларидан мазмун жиҳатидан ажралиб туради. Улар – “Мақомат ад-дивон”, “Мақомат ал-қавофий”, “Мақомат ал-аруз”, “Мақомат ан-наҳв”дир.

“Мақомат ан-наҳв” кичик бўлишига қарамай, ўзининг тузилиши жиҳатидан жуда кизиқарли бўлиб, ҳарфларнинг ўзгаришидан тортиб, араб наҳвининг мураккаб томонларигача бўлган масалаларни ўз ичига олган. Наҳвнинг жуда нозик тарафларини қамраб олган бу мақома бошқа мақомаларга нисбатан грамматик терминларга энг бой мақомадир. Аллома ушбу мақомасида инсон ахлоқ-одобини, юриш-туришини грамматик терминлар орқали баён қилишга ҳаракат қилган.

Маълумки, аруз вазни назариясига биринчи марта VIII асрда Халил ибн Аҳмад асос солган. Маҳмуд Замахшарий аруз вазни бўйича мутахассис бўлган ва арузда шеърлар ёзган.

Маҳмуд Замахшарий “Мақомот аз-Замахшарий” асарида махсус “Аруз мақомаси”

бобини ёзиб, XII асрда аруз вазни тузилиши билан таништира олган.

Бу мақомада аруз вазнининг энг содда қонун-қоидалари зикр этилган. Мақомада арузга оид терминларнинг деярли ҳаммаси берилган.

Маҳмуд Замахшарийнинг “Мақомат ад-дивон”ида сўзга катта эътибор қаратилган, XII асрда девон терминларининг қандай маънода ишлатилишининг муаллиф томонидан таҳлил қилиниши жуда кизиқарлидир. Масалан, ҳарбий девонда “ал-жаридат ас-савдо” (“қора газета”) терминини ишлатган. “қора газета” ҳарбий девон дафтари бўлиб, аскарларнинг яшаш маблағлари, уларнинг ҳол-аҳволлари, яъни девонда уларга нимаики тегишли бўлса, ҳаммаси ёзиб борилган. “Ал-Жаридат ас-савдау” терминининг келиб чиқиши қуйидагича:

“Жаридатун” сўзи арабча бўлиб, аскарларни ҳисобга олувчи, уларнинг салбий тарафларини танқид қилувчи, ёзиб боровчи бўлганлиги сабабли ҳам у “қора саҳифа” ёки “қора газета” номи билан аталган [13,205].

Маҳмуд Замахшарийнинг “Мақомот аз-Замахшарий” асари кўплаб нусхаларда бизгача етиб келган. Бу асар ҳақида Европа каталогларидан Брилл каталогида, ўрта аср ва ҳозирги замон араб олимлари китобларида баъзи маълумотларни кўриш мумкин. Араб манбаларида берилган маълумотлар қисқа бўлиб, бир-биридан деярли фарқ қилмайди.

Асарнинг қўлёзма нусхалари дунёнинг турли кутубхоналари ва қўлёзма хазиналарида сақланмоқда. Масалан, Вена императори кутубхонасининг туркий, форсий ва арабий қўлёзмалар хазинасида бу асарнинг бир нусхаси 379,3 рақами остида сақланмоқда. Шунингдек, Пренстон университети кутубхонасининг араб қўлёзмалари бўлимида 201 рақами билан яна бир нусха, Бағдодда ҳам бир нусха сақланади. Мадридда асарнинг бир қўлёзма нусхаси бўлиб, у 294 рақами билан, Ватикан кутубхонасининг араб-ислом қўлёзмалари хазинасида 1380 рақами остида нусхалари сақланади.

“Мақомот аз-Замахшарий” асарининг қолган нусхалари Туркия кутубхоналарида сақланмоқда. Чунончи, Истанбулдаги Нур Усмания кутубхонасида 3901 рақами билан, Роғиб Пошша кутубхонасида 1068 рақами билан, Боязид кутубхонасида 2646 рақами билан, Башир Оға кутубхонасида 148 рақами билан, Аҳмад ас-Солис кутубхонасида 1419 рақами билан

сақланади. Асарнинг яна бир қўлёзма нусхаси Ҳайдарободдаги Осифия кутубхонасида ҳам сақланмоқда. Лекин минг афсуслар бўлсинки, буюк ватандошимиз Маҳмуд Замахшарийнинг мазкур “Мақомот аз-Замахшарий” асари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида мавжуд эмас.

Маҳмуд Замахшарий бу асарига ўзи шарҳ ёзган бўлиб, бу шарҳ луғат тарзида битилгандир. Олимнинг ушбу асари “Шарҳи мақомот” деб аталиб, унинг бир нусхаси Берлинда сақланади.

Маҳмуд Замахшарийнинг мазкур асари бир неча марта нашр қилинган бўлиб, унга Маҳмуд Замахшарийнинг ўзи томонидан ёзилган шарҳи ҳам киритилган. Биринчи марта ҳижрий 1312 йилда нашр қилинган. Иккинчи наشري эса 1325 ҳижрий санада Қоҳирадаги “ат-Тавфиқ” матбаасида амалга оширилган.

Бу асарнинг иккинчи наشري 240 саҳифадан иборат бўлиб, 50 та мақомадан сўнг ҳазрати Али ибн Абу Толиб (р.а.)нинг юзта ҳикматли сўзлари ва асарни нашрга тайёрлаган олим Мисрдаги ал-Азҳария кутубхонаси соҳиби Муҳаммад Саид Рофийи Форукий Тароблусийнинг сўзлари ҳам берилган. Жумладан, Муҳаммад Саид Рофийи шундай ёзади:

“Биз Мадинаи Мунавварадан, Ҳидивия кутубхонасидан ва Қоҳирадаги баъзи хурматли инсонлардан бу асарнинг бир қанча нусхаларини олдик. Улардаги жузъий ихтилофларни йўқотиб, асарни нашр қилдик” [13,233-234].

Бундан кўриниб турибдики, Маҳмуд Замахшарийнинг “Мақомот аз-Замахшарий” асарининг қўлёзма нусхалари Мадинаи Мунавварада ҳам, Ҳидивия кутубхонасида ҳам, баъзи кишиларнинг шахсий кутубхоналарида ҳам сақланмоқда.

Бу асар немис шарқшуноси Ришер томонидан немис тилига таржима қилинган. Бу таржима 1912 йилда Германияда нашр қилинган.

ХУЛОСА

Маҳмуд Замахшарийнинг чуқур билими, даҳоси ва фаннинг турли соҳаларига оид ўлмас асарлари ҳали у ҳаётлик пайтидаёқ бутун мусулмон Шарқида унга катта шухрат келтирган. Алломанинг чуқур ҳурмат ва меҳр билан “Устоз ал-араб ва-л-ажам”, “Фахру Хваризм” каби шарафли номлар билан атаганлар. Машҳур олимлар, шоирлар, адиблар

даврасида у доимо пешволардан бири бўлиб, қизгин илмий баҳслар ва мунозараларда унинг фикри инобатга олинарди. Мана шундай улкан обрў эътибор, эҳтимол, даҳо унинг ўз асарларидан бирида “Ва инний фи Хваризм Каъбат ал-адаб” (“Чиндан ҳам мен Хоразмда адиблар учун бир Каъбадан”) деб ёзишига асос бўлган бўлса керак.

Маҳмуд Замахшарийнинг “Мақомот аз-Замахшарий” асари бадий насрнинг юксак намунаси бўлиш билан бирга мақома жанрининг ҳам бадий, ҳам илмий аҳамияти юкалтирди.

Маҳмуд Замахшарий мазкур асари орқали сажънинг қандай гўзал бадий санъат эканлигини очиқ-ойдин кўрсатиб берди. Сажъ адибнинг бадий насрдаги маҳоратини белгиловчи омиллардан ҳисобланади. Маҳмуд Замахшарийнинг “Мақомот аз-Замахшарий” асаридан кўриниб турибдики, олим ва ижодкор муаллиф сажъ санъатининг сир-синаотларини чуқур эгаллаган.

Маҳмуд Замахшарий инсоният илми хазинасига қимматбаҳо асарлар қўшди ва шу илмий мероси билан ўзидан кейинги авлодга ҳам устозлик қилиб келмоқда.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Абу Саъд Самъоний. Китоб ал-ансоб. – Лондон, 1912.
2. Ёкут Ҳамавий. Иршод ал-ариб. – Лондон, 1928.
3. Ал-Қифтий. Абно ар-рувот ало анбо ан-нухот. – Ж. 3. – Қоҳира, 1965.
4. Крачковский И.Ю. Изб. соч. – Т. IV. – Москва, 1957.
5. Бартольд В.В. Соч. – Т. V. – Москва, 1968.
6. Броккельман К. Тарих ал-адаб ал-арабий. Ал-Қисм ас-солис. – Қоҳира, 1993.
7. Шамсуддин Сомий. Қомус ал-аълум. Ж. 4. – Истамбул, 1899.
8. Рустамов А. Маҳмуд аз-Замахшарий. – Тошкент, 1971.
9. Окилов М. Замахшари и его сочинение “Атвак аз-захаб”: автореф. дисс. ... канд. филол. наук., – Москва, 1981.
10. Окилов М. Замахшарий асарларининг қўлёзма ва босма нусхалари. // Адабий мерос. – Тошкент, 1982.
11. Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар / Таржимон ва шарҳлар муаллифи У.Уватов. – Тошкент, 1992.
12. Маҳмуд аз-Замахшарий. Асос ал-балоға / Таҳқиқ Муҳаммад Босил Уюн ас-Суд. – Бейрут, 1998.
13. Маҳмуд аз-Замахшарий. Мақомот аз-Замахшарий. – Қоҳира, 1896.